



БОЖХОНАДА ХАВФЛАРНИ АНИҚЛАШНИНГ УЧ СИГМА ҚОИДАСИГА АСОСЛАНГАН АЛГОРИТМИ

Рузметов Хушнуд Бобожонович

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси "Хавфларни мониторинг қилиш ва баҳолаш" бошқармаси бошлиғи ўринбосари.

Тошкент, Ўзбекистон. xushnud.rxb@mail.ru

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss1/a29

Аннотация

Мақолада "Хавфларни бошқариш" тизимининг божхона органларига жорий этилишининг сабаблари, "Хавфларни бошқариш" тизими ишлашни таъминловчи зарурий элементлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари, хавфга таъсир этувчи омиллар ва уларнинг аҳамияти, хавфларни аниқлаш ва уларнинг даражаларини белгилаш учун зурур бўлган маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш, хавфларни аниқлаш ва таҳлил қилиш, хавфларни бошқариш чораларини ишлаб чиқиш ва қўллаш, қўлланилган чоралар натижасини жамлаш ва тақлифлар тайёрлаш жараёнлари, шу билан бирга, ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари томонидан божхона расмийлаштирувини амалга ошириш учун тақдим этилаётган импорт қилинаётган товарларнинг фактура қийматини пасайтириб ёки ошириб кўрсатилиш хавфни ва унинг даражаларини автоматик аниқлашга қаратилган муаллиф томонидан махсус ишлаб чиқилган математик алгоритмлар баён этилган.

Калит сўзлар: хавф, хавфларни бошқариш тизими элементлари, хавфларни бошқариш тизими, хавф даражасига таъсир этувчи омиллар, потенциал хавф, хавф даражаси паст, хавф даражаси ўрта, хавф даражаси юқори, ўртача қиймат, ўртача квадратик қиймат, уч сигма қоидаси, математик алгоритм, нормал қийматлар оралиғи, маълумотларни тўплаш, маълумотларни қайта ишлаш, хавфларни аниқлаш, хавфларни таҳлил қилиш, хавфларни бошқариш, хавфларни минималлаштириш чоралари, минималлаштириш чораларини қўллаш.

АЛГОРИТМ ОСНОВАННЫЙ НА ПРАВИЛЕ ТРЕХ СИГМ ОПРЕДЕЛЕНИЯ РИСКОВ НА ТАМОЖНЕ

Рузметов Хушнуд Бободжонович

Заместитель начальника отдела «Мониторинг и оценка рисков» Государственного таможенного комитета Республики Узбекистан. Ташкент, Узбекистан.

Аннотация

В статье описываются причины внедрения системы "управление рисками" в таможенных органах, необходимые элементы, обеспечивающие функционирование системы "управление рисками", и их специфические особенности, факторы, влияющие на риск, и их значение, процессы сбора и обработки данных, содержащих исходные данные, идентификацию и анализ рисков, разработку и применение мер по управлению рисками, концентрацию результатов применяемых мер и подготовку предложений по определению рисков и их уровней, наряду с этим, автоматическое выявление рисков и его уровней

связанных с необоснованным занижением или завышением фактурной стоимости импортируемых товаров, предоставляемых участниками внешнеэкономической деятельности в процессе осуществления таможенного оформления, на основе специально разработанных математических алгоритмов, описанных автором.

Ключевые слова: риск, элементы системы управления рисками, система управления рисками, факторы влияющие на степень риска, потенциальные риски, низкий уровень риска, средний уровень риска, высокий уровень риска, средняя стоимость, средняя квадратичная стоимость, правило трёх сигм, математический алгоритм, диапазон нормальных стоимостей, сбор информации, переработка информации, определение рисков, мониторинг рисков, управление рисками, меры по минимизации рисков, применение мер по минимизации рисков.

ALGORITHM BASED ON THREE SIGMA RULE OF DETERMINATION OF RISKS IN CUSTOMS

Ruzmetov Khushnud Bobojonovich

Deputy Head of the Department "Monitoring and Risk Assessment" of the State Customs Committee of the Republic of Uzbekistan. Tashkent, Uzbekistan.

Abstarct

The article describes the reasons for the introduction of the "risk management" system in the customs authorities, the necessary elements that ensure the functioning of the "risk management" system, and their specific features, factors affecting risk, and their significance, the processes of collecting and processing data containing initial data, identifying and analyzing risks, developing and applying risk management measures, concentrating the results of applied measures and preparing proposals to identify risks and their levels, along with this, automatic identification of risks and its levels associated with unjustified understatement or overstatement of the invoice value of imported goods provided by participants of foreign economic activity in the process of customs clearance, based on specially developed mathematical algorithms described by the author.

Key words: risk, elements of the risk management system, risk management system, factors affecting the degree of risk, potential risks, low risk, medium risk, high risk, average cost, average quadratic cost, three sigma rule, mathematical algorithm, range of normal costs, information collection, information processing, risk identification, monitoring risk management, risk minimization measures, application of risk minimization measures.

Кириш

Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари билан иқтисодий интеграция жараёнларининг ривожланиши, ташқи савдо ҳажмининг ошиши, товарлар таркибий тузилишининг янгиланиши ҳамда чет эл инвестицияларининг жалб этилиши Ўзбекистоннинг узоқ ва яқин хорижий давлатлар билан ташқи савдо алоқаларининг ривожланиши билан боғлиқ.

Сўнги йилларда Республикада очиқ иқтисодиётни шакллантириш сиёсатини амалга оширилиши жараёнида ташқи савдонинг ривожланиши Ўзбекистоннинг ички бозорида янги товарларнинг пайдо бўлишига ёрдам бермоқда.

Янги товарлар ва янги таъминот занжирларининг пайдо бўлиши, товарларнинг хусусиятлари, нархи, етказиб бериш ва тўлов шартлари ҳақидаги ва бошқа ахборотлар божхона мақсадлари учун зарур бўлган маълумотлар ҳажмининг ошишига олиб келмоқда.

Шу билан бирга, глобаллашув жараёнлари товарларнинг халқаро савдосини тезлаштиришни талаб қилмоқда.

Халқаро амалиёт товарларнинг халқаро савдо занжирлари ичида ҳаракатланишини тезлаштириш учун хавфни бошқариш тизимидан фойдаланган ҳолда божхона операциялари ва божхона назоратини жадаллаштириш зарурлигини тақозо этмоқда.

Хавфни олдини олиш ва уларни имкон қадар камайтириш, уларнинг қўлланилиш самарадорлигини баҳолаш, шунингдек божхона операцияларининг бажарилиши устидан назорат қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалда бажаришни, божхона органларида мавжуд бўлган ахборотнинг ўзлуксиз янгиланишини, таҳлил этилишини ва қайта кўриб чиқилишини назарда тутувчи доимий ишлар - хавфни бошқариш сифатида эътироф этилади [1].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили ва методлар

Тўғри ташкил этилмаган хавфни бошқариш амалиёти Республикада божхона қонунчилиги бузилишининг янги хавфлари пайдо бўлишига олиб келади ва божхона назоратини амалга оширишни жадаллаштириш заруратини ҳамда божхона органлари ходимлари томонидан нотўғри қарорлар қабул қилиш хавфини келтириб чиқаради. Қарор қабул қилишнинг сифати ва тезлиги ўртасидаги мавжуд қарама-қаршиликлар Ўзбекистоннинг иқтисодий хавфсизлигига таҳдид солади. Шунинг учун божхона органлари ҳам фискал, ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва тартибга солиш вазифаларини бажариб, божхона қонунчилигини такомиллаштириш бўйича таклифларни киритиб боришлари лозим.

Шу нуқтаи назардан, 2018-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси божхона органларини ривожлантиришнинг йўл харитасига мувофиқ, божхона хизмати замонавий ахборот технологияларини ва бошқарувнинг инновацион усулларини жорий этиш орқали божхона операцияларини оптималлаштириш соҳасида изчил ислохотлар олиб бормоқда. Шулардан бири 2017 йилнинг 1 декабридан “Хавфни бошқариш” тизимини синов тариқасида, 2018 йилнинг 1 мартидан эса тўлиқ жорий этилганлиги бўлди [2].

Божхона органларида “Хавфни бошқариш” тизимидан фойдаланиш божхона ҳуқуқбузарликлари ва жиноятларини аниқлаш ва олдини олишнинг муҳим воситасидир. “Хавфни бошқариш” тизими - бу танланган божхона назорати тамойилларига асосланган божхона маъмуриятининг замонавий усули ҳисобланади. Тизим, қабул қилинган қарорларнинг сифатини ва божхона органлари ихтиёрида бўлган куч ва воситалардан фойдаланиш самарадорлигини оширади.

Бугунги кунда, “Хавфни бошқариш” тизимидан фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш дунёнинг барча мамлакатларидаги божхона органларининг муҳим стратегик вазифаси бўлиб, уни ҳал қилиш учун илмий, услубий, статистик, ахборот-техник ва меъёрий-ҳуқуқий таъминотни ҳар томонлама баҳолаш зарур [3].

Бутун жаҳон божхона ташкилоти комиссиясининг 2017 йил 7-9 март кунлари Брюсселда бўлиб ўтган Халқаро савдони енгиллаштириш ва ривожлантириш бўйича йиғилишида Бутун жаҳон божхона ташкилоти Бош котиби Кунио Микурия “Хавфни бошқариш” тизими замонавий божхона назоратини қўллаш учун асос эканлигини таъкидлаб, божхона органларида қонунбузилишларни олдини

олиш бўйича хавфларни аниқлаш юзасидан таҳлилий фаолиятни ривожлантириш Бутун жаҳон божхона ташкилотининг устувор вазифасидир, уни ҳал қилишда интуитив хавфларни баҳолаш тизимларига асосланган замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиш лозимлигини такидлаган эди.

Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш субъектлари сифатида божхона органларининг фаолияти юқори хавфли соҳалар билан бевосита боғлиқдир. Божхона фаолиятидаги хавфлар мураккаб характерга эга бўлиб, илмий-амалий ёндашувни талаб этади. Божхона фаолиятига нисбатан хавфларни бошқариш деганда, божхона қонунчилиги бузилишини аниқлаш, баҳолаш ва олдини олиш бўйича самарали ягона сиёсат олиб борилиши тушунилади.

Айнан божхона органлари божхона қонунчилигига риоя этилишини назорат қилади, давлат бюджетига божхона тўловлари тушумини бошқаради, сохта ёки хавфли маҳсулотлар, мамлакат ҳудудига олиб кирилиши тақиқланган товарларга қарши курашиш борасида мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлайди, капиталнинг мамлакатдан чиқиб кетиши ва стратегик аҳамиятга эга бўлган товарларнинг ноқонуний олиб чиқилишини олдини олади.

Шундай қилиб, манфаатлар мувозанатини сақлашга эҳтиёж бор, чунки барча божхона расмиятчиликларига риоя қилишни тезлаштириш керак, лекин назоратнинг заифлашишига йўл қўймаслик лозим. Шу сабабли, давлат иқтисодий сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири бўлган божхона маъмурияти самарадорлигини оширишнинг бугунги кундаги энг яхши ғоя “Хавфни бошқариш” тизимидан фойдаланиш ҳисобланади.

Умуман олганда, божхона назоратидан ўтказилиши лозим бўлган товарларни ва транспорт воситаларини, ҳужжатларни ва шахсларни аниқлаш, шундай товарларга, транспорт воситаларига, ҳужжатларга ва шахсларга нисбатан қўлланиладиган божхона назоратини ўтказиш шаклларини ва даражасини белгилаш учун божхона органларида хавфни бошқариш тизими қўлланилади [4].

Таҳлил ва натижалар

Ҳар қандай тизим уни ташкил этувчи элементлар мажмуидан иборат бўлгани каби, “Хавфни бошқариш” тизими ҳам 4 та элементдан ташкил топган[5]. Жумладан:

- маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш;
- хавфларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;
- хавфларни бошқариш чораларини ишлаб чиқиш ва қўллаш;
- қўлланилган чоралар натижасини жамлаш ва таклифлар тайёрлаш.

Ушбу элементлар доимий ҳаракатда ва янгилашишда бўлган узлуксиз бир бутун жараёни хосил қилиб, тизимнинг нормал ишлашини таъминлайди. Тизимдаги исталган элементнинг жараёндаги ҳаракати тўхтайдиган бўлса, тизим самарали ишлашдан тўхтайди. Шунинг учун элементлар доимий ҳаракатни ва янгилашни талаб этади.

Маълумотларни тўплаш ва қайта ишлаш: Ушбу элемент Ўзбекистон Республикасининг божхона чегаралари орқали олиб ўтилаётган товарлар ва транспорт воситалари тўғрисидаги турли хил манбалардан олинган барча маълумотларни, шу жумладан бошқа ахборотларни тўплашни ва уларни қайта ишлашни назарда тутди.

Шунингдек, ахборотни тўплаш ва қайта ишлаш тартиби, божхона назорати объектларини таҳлил қилиш, ҳисобга олиш, тизимлаштириш ва ахборотни сақлашга қаратилган ҳаракатлардир. Таҳлил мақсадлари учун ахборотни қайта ишлаш - ҳисобга олиш, тизимлаштириш, ўзгартириш ва сақлашни ўз ичига олади.

Божхона органларида уларга тақдим этилган ҳужжатлардаги маълумотлар, Давлат божхона қўмитасининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимларидаги маълумотлар, шунингдек, хорижий божхона хизматлари томонидан ҳамда давлатнинг бошқа органлари ва ташкилотларидан олинган маълумотлар асосида ахборот тўпланади.

Божхонада келиб тушган ахборотлар рўйхатдан ўтказилади ва умумлаштирилади.

Ахборот божхона органларининг дастурий воситалари форматига ва турига ўтказилади ҳамда лозим бўлган параметр ҳамда меъзонларга кўра гуруҳлаштирилади ва тизимлаштирилади.

Хавфни баҳолаш имконияти таъминланиши учун олинган маълумотлар ўзгартирилмаган ҳолда сақланиши лозим.

Ахборотни сақлаш тартиби божхона органлари томонидан ахборот таркиби, формати, шунингдек, тақдим этиш ва расмийлаштириш турига мувофиқ белгиланади.

Хавфларни олдини олиш ва минималлаштириш бўйича чораларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда бошқарув қарорларининг асослилиги ва самарадорлигини белгилайдиган энг муҳим омил бу маълумотларнинг тўлиқлиги, тезкорлиги (ўз вақтида) ва ишончлилигидир.

Божхона органлари тўлиқ, ишончли ва долзарб ахборот манбаларига эга бўлишлари ва ушбу маълумотларга асосланиб, хавфларга баҳо беришлари керак акс ҳолда билвосита ташқи савдонинг ривожланишига халақит бериши мумкин.

Давлат божхона қўмитасининг ахборот ресурсларидан потенциал хавфларни аниқлаш ва уларни олдини олиш учун асосий маълумот манбайи сифатида фойдаланилади.

Ахборотларни йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил қилишда уларнинг тизимлилиги ва тўлиқлигига, бир нечта мустақил маълумот манбаларига асосланишига, шунингдек, ахборот йиғиш технологиясига ва уларни янгилаб бориш частотасига, маълумотлар базаларини янги маълумотлар билан тўлдириб борилишига алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Божхона органларида хавфларни аниқлаш учун қуйидаги ахборотлар асосий ўринни эгаллайди [6]:

- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари талаблари;

- Ўзбекистон Республикасининг божхона чегаралари орқали олиб ўтилаётган товарлар ва транспорт воситалари тўғрисидаги, шу жумладан Ўзбекистоннинг ички ва Ўзбекистон билан контрагент давлат маълумотларининг солиштирма статистик маълумотлари;

- Ўзбекистон билан контрагент давлатнинг иқтисодий ишлаб чиқариш потенциали тўғрисидаги маълумотлари;

- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларидан, шу жумладан хорижий давлатларнинг божхона органларидан келиб тушган маълумотлар;

- божхона органларининг тезкор-қидирув фаолияти натижалари ҳамда божхона

қонун ҳужжатларининг бузилиши тўғрисидаги махсус статистика маълумотлари;

- божхона иши соҳасидаги содир этилган жиноятлар ва қонунбузилишлар тўғрисидаги маълумотлар;

- Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ва (ёки) божхона қонунчилигига мувофиқ ўз номидан божхона назорати остидаги товарлар билан юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни амалга оширувчи шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар;

- божхона брокерлари, декларантлар, божхона омборлари эгалари, ташувчилар ва божхона ходимлари ҳамда товар ва транспорт воситалари тўғрисидаги дастлабки маълумотлар;

- божхона операцияларини амалга ошириш ва хавфларни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларни қўллаш натижалари тўғрисидаги маълумотлар;

- ташқи савдо операциялари бўйича тўлов муносабатлари тўғрисидаги маълумотлар;

- божхона, тижорат, транспорт (юк кузатув ҳужжатлари) ва бошқа ҳужжатлардаги маълумотлар.

Хавфларни аниқлаш ва таҳлил қилиш:

Хавфларни юзага келиши ва унинг оқибатларини аниқлаш мақсадида божхона органларида тўпланган ҳамда қайта ишланган маълумотлар таҳлил қилинади.

Хавфларни таҳлил қилиш ва баҳолашда база маълумотларини бошқариш, маълумотларни таҳлил қилиш учун тезкор (шу жумладан визуал) алгоритмларни яратиш, шунингдек, Давлат божхона қўмитаси Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимининг ахборот-дастурий таъминотларидан фойдаланилади.

Хавфларни таҳлил қилиш ва баҳолаш учун божхона органи томонидан ишлаб чиқилган хавфларни баҳолашнинг математик, статистик ва эхтимолий таҳлил усуллари (хавфларни мақсадли таҳлил қилиш усуллари) фойдаланилади.

Хавфларни мақсадли таҳлил қилиш усуллари гуруҳлаш ва алгоритмлар яратиш натижасида хавфларни баҳолаш жараёни автоматлаштирилиши мумкин.

Аниқланган хавфларни баҳолаш натижаси хавф профилини ишлаб чиқиш, хавфни минималлаштириш чораларини қўллаш зарурлиги тўғрисидаги қарорни қабул қилиш учун асос бўлади.

Хавфларнинг турлари қонун ҳужжатларининг талабларига риоя қилмасдан ТИФ қатнашчилари томонидан аксарият ҳолларда содир этилаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятларга асосланган ҳолда Давлат божхона қўмитаси томонидан таснифланади.

Божхона органлари томонидан хавф аниқланган вақтда мажбурий тартибда хавф профили ишлаб чиқирилиши ва тасдиқланиши хавфни минималлаштириш чораларини қўллаш бўйича қарор қабул қилиниши лозим[7].

Хавфларни таҳлил қилишда асосий йўналишлар қуйидагилардан иборат:

- хавфларга таъсир қилувчи шартлар ва омиллар тўплами;

- амалга оширишда божхона ҳуқуқбузарлигининг содир этилиши эхтимоли мавжуд бўлган божхона операциялари;

- хавфларни тавсифловчи мезон ва параметрлар (ҳаракатлар сони, товар турлари, товарларни қабул қилувчи ва бошқалар);

- хавф кўрсаткичлари (чегаравий миқдорий: хавфларни олдини олиш ёки минималлаштириш бўйича чораларни қўллаш зарурлигини белгиловчи кўрсаткичлар);

- хавф туғилганда юзага келиши мумкин бўлган зарар миқдорини баҳолаш;
- бошқа таҳлил объектлари.

Хавфларни бошқариш чораларини ишлаб чиқиш ва қўллаш:

Хавфларни бошқариш чораларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қуйидагиларни ҳисобга олиш керак:

- натижаларни прогноз қилиш ва келиб чиқиши эҳтимоли бўлган оқибатларни аниқлаш;
- хавфларни олдини олиш ёки минималлаштириш бўйича чоралар ва уларнинг натижаларини таҳлил қилиш;
- амалдаги қонунчиликда назарда тутилган чораларнинг мақбулларини танлаш;
- хавфларни минималлаштириш чораларини, шунингдек, уларни қўллаш тартибини аниқлаш;
- хавф профилларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

Хавф профиллари божхона органлари томонидан хавф индикаторлари асосида божхона назорати объектини аниқлаш ва уларга нисбатан хавфни минималлаштириш бўйича чораларни қўллаш мақсадида ишлаб чиқилади.

Хавф профиллари Давлат божхона қўмитаси томонидан, уларнинг амал қилиш муддати ва ҳудуди, хавфларни баҳолашда фойдаланилган усуллар, шунингдек, етказиш ва қўллаш усулларига мувофиқ таснифланади.

Хавф индикаторлари асосида божхона назорати объектлари танланади.

Божхона назорати объектларини танлаш божхона органлари томонидан мустақил равишда хавф индикаторларидан келиб чиқиб ёки Давлат божхона қўмитаси Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимининг дастурий таъминот воситаларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Тасдиқланган хавф профилларига мувофиқ хавфни минималлаштириш чораларини қўллашнинг автоматлаштирилган усулларидан фойдаланиш ТИФ қатнашчилари томонидан божхона чегараси орқали олиб ўтилаётган товарлар ва транспорт воситалари тўғрисидаги ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда электрон шаклда тақдим этиш орқали амалга оширилади [8].

Қўлланилган чоралар натижасини жамлаш ва таклифлар тайёрлаш:

Хавфларни бошқаришни “қайта алоқа” тизимисиз амалга ошириб бўлмайди.

Чунки, хавфларни минималлаштириш бўйича қабул қилинган чоралар турли хил натижа бериши ёки божхона фаолиятининг турли жиҳатларига таъсир кўрсатиши мумкин (фискал, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва божхона назорати тартиботлари). Хусусан:

- божхона чегараси орқали товарларнинг ноқонуний олиб ўтилишини тўхтатишга;
- божхона назорати самарадорлигига;
- божхона тўловларининг тўлиқ ундирилишига;
- товар айланмасининг тезлашишига;
- божхона органлари ва товарларни олиб ўтувчи шахсларнинг божхона назорати билан боғлиқ харажатларига;
- божхона расмийлаштируви вақтининг ўзгаришига.

Божхона органлари хавфни бошқариш ва баҳолашда, шунингдек, ТИФ қатнашчиларини тоифалашда ахборотни узатиш, сақлаш ва қайта ишлашнинг электрон усуллари, шу жумладан, ахборот тизимлари ва ахборот технологияларидан

фойдаланадилар.

Хавф тушунчасига берилган тарифдан келиб чиқиладиган бўлса, яъни хавф божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилмаслиги эҳтимолининг даражаси бўлиб, ҳар доим хавфнинг пайдо бўлишига ёки унинг қанчалик хатарли эканлигига маълум бир омиллар сабаб бўлади [8].

Бу омилларнинг бир вақтни ўзида бир-ичтаси мавжудлиги ёки битта омилнинг таъсир доираси катталиги хавф даражасининг нақадар муҳим ёки акси эканлигини белгилаб беради. Қуйида божхона фаолиятида хавфни юзага келиши ва унинг даражасига таъсир қилувчи асосий омиллар санаб ўтилган.

Агар хавф аниқланиб, унда божхона қонунчилигига риоя этмаслик еҳтимоли катта бўлса, иқтисодий жиҳатдан самаралироқ бўлган хавфни минималлаштириш чораларини, яъни божхона назоратининг тегишли бир ёки бир нечта шаклини қўллаш керак бўлади.

Бунда, божхона назоратини амалга ошириш учун божхона органи томонидан сарф қилинадиган харажатлар, шу жумладан вақт харажатлари юзага келиши мумкин бўлган иқтисодий зарар билан ўзаро боғлиқдир.

Шундай қилиб, қилинган харажатлар олди олинаётган иқтисодий ёки бошқа зарардан кам бўлиши хавфни бошқариш тизимининг самарали ишлаётганлигидан далолат берувчи кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Хавфга таъсир кўрсатиш божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган хавфни минималлаштириш бўйича чора-тадбирларни бевосита қўллаш орқали амалга оширилади.

Божхона органлари хавфларни фарқлаш ва унга тегишли таъсир кўрсатиш мақсадида ТИФ қатнашчиларини тоифаларга ажратади [9].

ТИФ қатнашчиларини тоифаларга ажратиш, божхона операцияларини амалга ошириш жараёнида хавф индикаторлари билан божхона назорати объектларини аниқлаш, шунингдек, хавфни минималлаштириш чораларини қўллаш натижасида ТИФ қатнашчиларининг хавф даражаси бўйича тўпланган ахборотлардан фойдаланишни кўзда тутаяди.

Хавфни таснифлаш мақсадида барча ТИФ қатнашчилари фаолияти таҳлил қилиниб, хавф даражаси қуйидаги тоифаларга кўра гуруҳланади [10]:

- паст даражадаги хавф гуруҳи;
- ўртача даражадаги хавф гуруҳи;
- юқори даражадаги хавф гуруҳи.

ТИФ қатнашчиларини хавф тоифаларига ажратиш божхона органлари тасарруфидаги ТИФ қатнашчиларининг фаолияти тўғрисидаги ахборотни, товарлар ва транспорт воситаларига нисбатан ўтказилган божхона операциялари ва божхона назоратининг натижаларини, шу жумладан, ТИФ қатнашчилари томонидан мустақил равишда тақдим қилинган ҳужжат ва маълумотларни ҳамда Давлат божхона қўмитаси Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимидаги ахборотларни ҳар томонлама таҳлил қилиш асосида амалга оширилади.

Бунинг учун хавфларни аниқлашга қаратилган махсус математик алгоритмлар ишлаб чиқилади ва улар ёрдамида хавфлар автоматлашган равишда аниқланади.

Биз томонимиздан ишлаб чиқилиб, таклиф этилаётган математик алгоритм импорт товарларининг божхона органларига тақдим этилган фактура қийматини

нотўғри тақдим этилаётганлиги хавф даражасини аниқлашга қаратилган.

Бунинг учун мавжуд маълумотлар базасидаги маълум бир давр оралиғида импорт қилинган ҳар бир товарнинг фактура қиймати нормал тақсимот қонунига асосан тақсимланиши лозим. Яъни, қийматлар оддий қийматлардан нормал қийматларга ўтказилиши учун е асосга кўра логарифмланади ($\log_e x$; x – бу товарларнинг қиймати; $e \approx 2.71$).

Сўнгра хосил бўлган нормал қийматларнинг ўртача қиймати қуйидаги формула ёрдамида аниқланади (\bar{x}) [11] [13] [14] [16].

$$\bar{x} = \frac{1}{n} \sum_{i=1}^n x_i = \frac{1}{n} (x_1 + \dots + x_n)$$

Бунда:

n – маълум бир давр оралиғидаги импорт қилинган товарлар партияси сони;

x_1, x_2, \dots, x_n – маълум бир давр оралиғида импорт қилинган ҳар бир товар партиясининг қийматлари;

\bar{x} - маълум бир давр оралиғида импорт қилинган товарлар партияси қийматларининг ўртача қиймати.

Кейин маълум бир давр оралиғидаги импорт қилинган товарлар партияси қийматларининг ўртача квадратик четланиши қуйидаги формула орқали топилади [12] [13] [14] [16].

$$S = \sqrt{\frac{1}{n} \sum_{i=1}^n (x_i - \bar{x})^2}$$

Бу ерда:

x_i – маълумотлар базасидаги i – товар партиясининг қиймати;

\bar{x} - маълум бир давр оралиғида импорт қилинган товарлар партияси қийматларининг ўртача қиймати;

n – маълум бир давр оралиғидаги импорт қилинган товарлар партияси сони.

Кейин “Эмпирик” ёки “Уч сигма” қоидасига асосан товарларнинг нормал қийматлар диопазони аниқланади [15] [16]. Бунда:


- маълумотлар базасидаги товар қийматларининг 68,2% ўртача қийматнинг “+” ёки “-” бир стандарт оғиши доирасида ($\bar{x} - \sigma$; $\bar{x} + \sigma$);

- маълумотлар базасидаги товар қийматларининг 95,4% ўртача қийматнинг “+” ёки “-” икки стандарт оғиши доирасида ($\bar{x} - 2\sigma$; $\bar{x} + 2\sigma$);


- маълумотлар базасидаги товар қийматларининг 99,7% ўртача қийматнинг “+” ёки “-” икки стандарт оғиши доирасида ($\bar{x} - 3\sigma$; $\bar{x} + 3\sigma$) ётади.

Бу шуни англатадики, импорт қилинаётган янги товарларнинг қийматлари 3 та стандарт оғиш диопазонидан ташқарида жойлашган бўлса, мазкур қийматлар Биз учун ноодатий қиймат, яъни хавф деб қаралади.


Нормал тақсимланган товарларнинг қиймати 0,9973 эҳтимоллик билан ($\bar{x} - 3\sigma$; $\bar{x} + 3\sigma$) оралиқда ётади.



Барча қийматларнинг 68 % ўртача қийматнинг 1 стандарт оғиши доирасида жойлашади.



Барча қийматларнинг 95 % ўртача қийматнинг 2 стандарт оғиши доирасида жойлашади.



Барча қийматларнинг 99,7 % ўртача қийматнинг 3 стандарт оғиши доирасида жойлашади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, импорт қилинаётган товарларнинг фактура қиймати ўзининг хақиқий нархидан паст ёки ортиқ қийматда божхона органларига тақдим этилаётганлиги аниқланади. Бу эса ўз навбатида давлат бюджетига ундириладиган божхона тўловларининг тўғри ундирилишига олиб келади.

Хавфларни минималлаштириш бўйича чораларни қўллаш натижаларини баҳолашда ва назорат қилишда божхона органлари, шунингдек, ТИФ қатнашчилари томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган меъёрларга амал қилишда йўл қўйилган қоидабузарликлар ҳисобга олинади [17].

Хулоса

Шундай қилиб, “Хавфни бошқариш” тизимидан фойдаланиш божхона органи зиммасига юклатилган вазифаларни самарали бажариш учун мавжуд бўлган ресурслардан мақбул фойдаланиш муаммосини ҳал қилади.

“Хавфни бошқариш” тизимидан фойдаланиш божхона маъмурчилигини такомиллаштириш, божхона органларининг фискал, тартибга солиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш жараёнининг муҳим қисмидир.

Хавфларни бошқариш тизимининг мақсади ташқи иқтисодий фаолиятнинг қонунга бўйсунувчи иштирокчилари манфаатлари ва божхона назорати зарурияти ўртасида мувозанатни ўрнатишдир.

Ҳозирги вақтда божхона назорати шакллари танлаш ва қўллаш божхона органларининг мансабдор шахслари томонидан “Хавфни бошқариш” тизимидаги маълумотлар асосида амалга оширилади. Ташқи муҳитнинг доимий ўзгариши хавф зоналарини доимий мониторингини талаб қилади. Шунинг учун “Хавфни бошқариш” тизимини қўлланилишини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар божхона органларининг доимий кун тартибига киритилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Х.Рузметов Божхона органларининг “хавфларни бошқариш тизими”да хавфларни таснифлашнинг ўзига хос хусусиятлари ва аҳамияти / Х.Рузметов // Ўзбекистон божхона ахборотномаси. – 2020. №1.

2. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси. - 13.04.2018 й., 07/18/3665/1071-сон.

3. “Хавфни бошқариш тизимини қўллашга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш стратегияси ва тактикасини тасдиқлаш тўғрисида”: ДБҚнинг 2018 йилдаги буйруғи.

4. Х.Рузметов Хавфни бошқариш тизими: Ўзбекистон Республикаси божхона органларида божхона назорати ва расмийлаштирувининг асосий воситаси сифатида / Х.Рузметов // Ўзбекистон божхона ахборотномаси. – 2019. №2.

5. Х.Рузметов “Хавфларни бошқариш” тизимини божхона органлари амалиётига жорий этиш сабаблари, тизим ишлаши учун зарурий элементлар ва уларнинг хусусиятлари / Х.Рузметов // Ўзбекистон божхона ахборотномаси. – 2021. №1.

6. “Ўзбекистон Республикаси божхона органларининг Хавфни бошқариш тизими концепцияси”: ДБҚнинг 2018 йилдаги буйруғи.

7. “Хавфни бошқариш тизимини қўллашга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш стратегияси ва тактикасини тасдиқлаш тўғрисида”: ДБҚнинг 2018 йилдаги буйруғи.

8. “Хавфни бошқариш тизимини қўллашга доир чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш стратегияси ва тактикасини тасдиқлаш тўғрисида”: ДБҚнинг 2018 йилдаги буйруғи.

9. Х.Рузметов Ўзбекистон Республикаси божхона органларида хавфларни бошқариш тизими орқали бошқарув самарадорлигини ошириш / Х.Рузметов // Рақамли иқтисодий ривожлантиришнинг статистик таҳлилини такомиллаштиришнинг назарий ва услубий жиҳатлари. Халқаро илмий-амалий анжуман материаллари тўплами. - Тошкент. 27 май 2022 й.

10. Х.Рузметов Ўзбекистон Республикаси божхона органларида хавфни бошқариш тизимининг жорий этилиш тенденцияси ва унинг бугунги кундаги натижалари / Х.Рузметов // Ўзбекистон божхона ахборотномаси. – 2020. №2.

11. Гмурман.В.Е. Эхтимоллар назарияси ва математик статистика / В.Е.Гмурман. – 1977.

12. Расулов.А.С. Эхтимоллар назарияси ва математик статистика / А.С.Расулов, Г.М.Раимова, Х.К.Саримсакова. – 2006.

13. Колемаев В.А. Теория вероятностей и математическая статистика / Колемаев В.А. 1991.

14. Булдық Г.М Теория вероятностей и математическая статистика / Булдық Г.М. – Киев, 1989.

15. Ё.У.Соатов Олий математика / Соатов.Ё.У. – Иккинчи жилд. 1994.

16. Сирожиддинов.С.Х. Эхтимоллар назарияси ва математик статистика / С.Х.Сирожиддинов, М.М.Маматов. – 1980.

17. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси: 2016 йил 20 январда қабул қилинган. – 29-боб.